



3

**ИШ БИЛГАНГА
МИНГ ТАНГА**

**ХАТОЛАР ЖАБРИНИ
КИМ ТОРТАДИ?**



4



5

**БЕҲАЁЛИКНИНГ
"СОТКА" УСУЛИ**

**ҚАДРНИНГ
НАРХИ ҚАНЧА?**

6



Оила ва жамият

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

32 (926) сон

30 июль — 5 август 2009 йил

Web-site: oilavajamiyat. uz



Олам бурканганда гуллар атрига...

Муҳаммад АМИН
сурат-лавҳаси

“ОБУНА — 2010”

Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми? “Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий азбоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дардкаш бўлиб келаятган муҳтарам муштарийлар!

Вақтни ганимат деймиз, аслида эса дийдор ҳам ганиматдир. Шундай экан, биз билан сал кам ўн саккиз йилдан бери гоҳи ғойибона, гоҳи юзма-юз дийдорлашяётган содиқ газетхонлар, келгуси йилда ҳам “Оила ва жамият” хонадонингизга беминнат (“сотиб олиб ўқирман” деганлар айрим шаҳар ва туманлардаги газета дўконларидан нашримизни топа олмаётганликлари ҳақида кўп бора ёзишяпти) кириб боришини истасангиз, яхши-си, обуна бўлганингиз минг қарра маъқул.

ДЕМАК, ОБУНА БОШЛАНДИ!

КЕЧА:

→ Президентимизнинг шу йил 7 апрелда қабул қилинган “Яғонасан, муқаддас Ватан!” республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида”ги қарорига биноан шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, турли вазирлик ва ташкилотларда бу нуфузли танлов жараёни ҳал қилувчи босқичга кирмоқда. Кунги кеча эса Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида ушбу танловнинг якуний босқичи ўтказилиб, ғолиблар аниқланди.

→ Катта меҳнат зафарига эришган республикаимизнинг фидойи ғаллакорлари ўзларининг “Ҳосил байрам”ларини кўтаринки руҳда нишонлашмоқда.

БУГУН:

→ Кунлару лаҳзаларни санаб, минг бир хавотир ила жиддий синовларга тайёргарлик кўраётган абитуриентлардан кўра кўпроқ уларнинг ота-оналари учун ҳаяжонли дамларга бор-йўғи бир кунгина вақт қолди!

→ Куала-Лумпур шаҳрида келаси йили Тошкентда футбол бўйича ўтказиладиган Осиё чемпионатининг саралаш босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

ЭРТАГА:

→ 9-15 август кунлари Россия Федерациясида сув полоси бўйича 1991 йилда тутилган қизлар ўртасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик спортчилар ҳам қатнашадилар. Уларга фақат омад ёр бўлсин, деймиз.

→ Мамлакатимиз миқёсида нишонланадиган Маҳаллалар кунига барча худудларда қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:

Никоҳни тўйхонада расмийлаштириш шартми?	2
Раҳмдилликни фазилат деб билган аёл	5
Теледастурлар	8-10
«Учинчи одам»га қачон инсоф киради?	11
Опасини алдаган сингилнинг тавба-тазарруси	12
Келажакда «ўлик тишлар» бўлмайди, дея башорат қилаётган шифокорларга ишониш мумкинми?	13
Ичкүёвнинг дарди ичида қолди	14
«Мени кечир, синфдош қиз!»	15
«Охират сафари»га илоё ҳеч кимнинг иши тушмасин...	16

СПОРТ ВА МАДАНИЯТ БАЙРАМИ

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги касб-хунар коллежларида тахсил олаётган кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 121 нафар боқувчисини йўқотган ўқувчиларнинг ёғи таътил кунларини мазмунли ўтказиш мақсадида пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида маънавий-маърифий ҳамда спорт тадбири ўтказилди.

— Бугунги байрам сизларники, азиз болажонлар! Сизнинг қувончу шодлигингиз, бахтиёрлигингиз бизларга хуш кайфият бағишлайди, — деди **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Акбарова** байрам тадбирини очар экан. — Бугунги спорт мусобақаларида фаол иштирок этасиз, ҳам мазмунли, ҳам маданий ҳордиқ чиқарасиз. Бу йўлда сизларга омад ва кўтаринки кайфият тилаймиз.

Тантананинг очилиш маросимида давлатимиз мадҳияси янгради. Тадбирнинг бадиий қисмида кичкинтойлар иштирокида куй-қўшиқлар, рақслар ижро этилди. Шундан сўнг мусобақаларга старт берилди. Иштирокчилар спортнинг энгил атлетика, шахмат-шашка, волейбол, футбол, теннис, бадминтон турлари бўйича бел-

лашдилар.

— Ушбу спорт ва маданият байрамини ўтказишдан асосий мақсадимиз, — дейди **«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши бўлим бошлиғи Гулчехра Жўраева**, — боқувчисини йўқотган болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш. Тадбирнинг ҳам спорт, ҳам маданият байрами, деб ном-

✓ МАВСУМ — 2009

ўзларига кўрсатилган бу ажойиб эҳтиромдан жуда мамнун бўлдилар.

Истироҳат боғининг турли бурчакларида, майдончаларида спорт мусобақалари давом этарди. Сўлим дарахтлар соясида ёш шахматчилар донна сурсалар, боғнинг рақс майдончасида стол теннисни бўйича ўзаро беллашувлар кизгин паллага кирганди. Биз пайтдан фойдаланиб ёш спортчиларни ҳам суҳбатга тортдик. Ҳазрати Шахло Турсунматова деб таништирган киз Тошкент вилояти Бекобод педагогика касб-хунар коллежида ўқир экан.

— Мен саккиз ёшимдан бошлаб таскандо билан мунтазам шуғулланман, — дейди Шахло, — бугунги мусобақада менга тенг рақиб топилмади. Энди эса стол теннисни бўйича кучимни синаб кўраяпман.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси, Республика Бош прокуратураси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши, Маданият ва Спорт ишлари вазирлиги, М.Улуғбек номидаги истироҳат боғи, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти Урта махсус касб-хунар таълими бошқармалари вакиллари қатнашдилар ҳамда мусобақа ғолибларини махсус совғалар билан тақдирлашди.

Назира ҚУРБОН,
«Оила ва жамият» муҳбири.



ланиши бежиз эмас. Болалар бу ерда турли спорт мусобақаларида қатнашишлари билан бирга, истироҳат боғида яратилган шарт-шароитлардан ҳам баҳраманд бўладилар.

— Бизнинг Тошкент вилояти Бекобод тумани маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидан ҳам икки нафар ўқувчимиз ушбу тадбирда иштирок этгати, — дейди мазкур **коллежнинг маънавий ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Н. Қодиров**. — Болалар

нишда бўлганидай, маълум вақтга етиб, қонунлар ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак бўлади. Тўғри, бизда ҳозирча никоҳдан ўтиш ёшига эътирозлар йўқ. Аксинча, аксарият оилалар фарзандларини 17 ёки 18 дан аввал қовуштириш учун сабаб излайдилар. Бу борада менинг ўз шахсий фикрларим бор. Ҳозир айниқса, ёш оилалар ҳаётини таҳлил қилганимизда, кизлар 21-23, йигитлар эса 24-26 ёшлар орасида қурилган оилаларда собитлик сезилгачи. Чунки шу ёшда кизлар маълум касб-хунарга эга бўлади, қолаверса, рўзғор мактабида ҳам яхшигина «са-

✓ БАХТ ОСТАНАСИ

ни ҳис этадигандек, назаримда. Тўй, дастурхон, базмининг сўзи — бошқача. Давлат муассасада айтылган сўзларда бошқача руҳ бордек гўё...

Ахир, қонуний никоҳни расмийлаштириш оиллага маънавий Ватан қуриб беришдай гап. Бунинг жавобгарлиги жуда катта. Ҳозирдан қўйс: никоҳланувчи ёшларнинг тиббий қўриқдан ўтиши зарурияти каби мавзуларда содда тилда, аниқ мисоллар асосида суҳбат ўтказамиз.

«Пешонасига ёзгани шу экан. Фотиҳани бузса, бахтисиз бўлади», — деган қарашлар, қўрқувлар анча сусайган. Ни-

коҳланувчи ёшларнинг бирортасида жиддий хасталик борми, иккинчи томонни ўйлаш, қарорини ўзгартириш имкони берилади. Тўғри, биз ҳеч кимни жуфтдан воз кечишга ундамоқчи эмасмиз. Аммо туғилмак фарзанд тақдирини, ўз келажағига ҳеч ким бепарво бўлмастлиги керак. Тиббий қўриқ, умуман ёшларнинг шу мавзуда суҳбатлардан, биз тарқатаётган турли рисола-лардан олган билимлари ҳам, улар учун никоҳ олди тайёргарлик жараёнидир.

Оила деб аталмиш қўрғон, ёлғиз келин-куёвдан иборат эмас. Қайнона, қайнота, ҳатто, қайноғачилар ҳам оиланинг асосий қисми саналади. Шундай экан, никоҳ олди тайёргарлик ишларида фақат ёшлар билан эмас, қайноналар (чунки, бизнинг оилаларда қайноналарнинг таъсири катта) билан ҳам алоҳида суҳбатлар олиб борамиз.

Бизда оилани мустақамлашнинг минг йиллик сабоқлари бор: албатта, ёшларимиз уларни билиши, зарурини ўзлаштириши керак. Аммо уларнинг ўзларини ҳам тинглаш керак. Масалан, оила руҳан келин туширишга тайёрми? Қайнона, қайнота ёшлар учун соғлом муҳит яратя оладими? Боламини ўйлантирдим, бас, деган фикрда эмасми? Қизнинг онаси-чи? У боласининг бахтли бўлиши учун масъулиятни ҳис этадими?

Албатта, бундай саволлар муҳим ҳам никоҳ олди тайёргарлигида катта аҳамият касб этади.

Бизнинг ҳам, никоҳ олди тайёргарлиги инсон ҳаётининг энг жиддий бир фаслига айланиб бормоқда. Шу боис, ота-она, шифокорлар қатори биз ҳам доимий изланишда, фикрлашишда.

Қутлибека РАҲИМБОВА
суҳбатлашди.



ШУ СОҒГА ХАБАРЛАР

Соғлом она — соғлом бола

ҚАРШИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Соғлом бола — юрт келажаги. Уни улғайтириб, жамиятимизга мос фарзандлар қилиб тарбиялаш учун ота-онанинг, хусусан, аёлнинг озмунча меҳнати кетадими? Оналарнинг саломатлигини яхшилаш учун нималарга аҳамият бериш керак? Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳлар оқибати қандай қўриқиларга олиб келаёпти?

Бу каби саволларга Қарши шаҳридаги «Журналистлар уйи»да Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган матбуот конференциясида жавоблар изланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Акбарова «Соғлом она — соғлом бола» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб, бу борада ОАВнинг ҳам ўрни борлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, ушбу мулоқотда Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, Республика Репродуктив саломатлик ва Скрининг марказлари директорлари Д.Ҳасанова, М.Шарипова ҳамда «Оила-йилми-амалий маркази директори В. Каримовалар ҳам иштирок этиб, «Соғлом она — соғлом бола» Давлат дастурининг аҳамияти ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида ўзларининг турли кузатувлари билан ўртоқлашдилар.

Шавкат СУЛТОНОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири.

Бандлик дастури — амалда!

ЕТТИ МИНГ КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Яқинда пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида ўтказилган «Бўш иш жойлари ярмаркаси»да аҳолининг турли қатламлари вакиллари қатнашди. Мазкур ҳудуддаги 14 та корхона ва ташкилотлар саккизта касб-хунар коллежларининг тўрт мингдан ортиқ битирувчи ёшлари ҳамда 58 та маҳаллардаги иш билан банд бўлмаган аҳоли учун ўзларидаги ярим мингдан зиёдрок бўш ўринларини тавсия қилишди.

— Бундай ярмаркалар йил давомида шахримизнинг барча туманларида мунтазам ўтказиб келиняпти, — дейди Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Мирхонов. — Биргина мазкур тумани оладиган бўлсак, ярим йил ичида етти минг киши иш билан таъминланди. Бу эса, қанчалар оила соҳиблари ва фарзандлари фойдали меҳнатга жалб этилганини кўрсатади.

Тошкент шаҳар Бандликка қўмаклашувчи марказ мутасаддилари бундай хайрли тадбирларни имкони борича ҳар уч ойда ўтказиш бўйича туман ҳокимлиги билан келишиб олдилар.

Барно МИРЗААҲМЕДОВА



НИКОҲНИНГ ВАҚТИ-СОАТИ ҚАЧОН?

Эл ичида бу гап тез-тез такрорланади. Айниқса, икки ёш балоғат фаслига қариб, орзу-ҳавас ҳақида гап кўзгалганда, бу жумла қулоғимизга қалинаверади. **Хўш, икки ёшнинг оила қуриш, никоҳдан ўтиш вақти қачон етилади? Бу саволга ота-онанинг, шифокорнинг ўз фикри, никоҳ учун яна бир масъул шахс — ФХДЭ мудирининг ўз жавоби бор. Тошкент шаҳар Яқкасарой тумани ФХДЭ бўлими мудираси Гулчехра Азизова фикримизни шундай давом эттирди:**

— Аксарият ота-оналар йигит кишига икки ёки уч хонали иморат қурилса, бас, уни оила қуришга тайёр, деб ҳисоблайди. Қизларнинг ота-онаси эса мебелни келса, ўрин-қўрпаси тикилиб, идish-товок, кийим-кечак, шунга ўхшаш сарпо-суркулари битса, «узатаман» га тушади. Шифокорлар учун икки ёшнинг соғ-омон эканлиги, уларнинг жисму жони жуфтликда ҳаёт кечиришга тайёрлиги, ота-она бўлишга қодирлиги муҳим. Улар оила қуриш учун айнан ана шу омиллаларга эътибор қаратадилар.

Биз — ФХДЭ ходимлари учун эса ҳаммаси муҳим. Дейлик, никоҳланувчи шахсларнинг ёши масаласи... Оила ва Никоҳ Кодексимизда никоҳдан ўтиш ёши кизлар учун 17, йигитлар учун эса 18 ёш қилиб белгиланган. Албатта, бизнинг серқўёш iklimида ёшлар жисмонан тез етилади. Инсон ўзи яшаётган муҳитнинг бир қисмидир. Қони қайноқлик, жўшқинлик, эҳтирос ёшларимизга ҳам хос. Никоҳ ёшининг бугунги меъёрлари шу сабаб билан изохланади. Қонуний никоҳ — ахлоқий поклик мезони. Фақат оилани эмас, жамиятни ҳам ахлоқий таназзулдан асрайдиган муҳим омиллалардан бири — шу. Лекин ҳамма нарса ўсиш, ривожла-

води» чиқади. Тежамкорлик, покзаллик, аъёналар, қадриятлар — ҳаммасига фаҳми етади. Йигитлар ҳам «тинди». Ботиний гўзалликни зоҳирийсидан ажратди, хою хаваслардан узоқлашди. Энг асосийси, у мустақил равишда оила боқишга қўриб етди.

Ривожланган давлатлар тажрибасини кузатадиган бўлсак, баъзиларида никоҳ ёши биз кўрсатганимиздан ҳам юқорирак, Албатта, бир мамлакат тажрибаси иккинчи жойда ҳар доим ўзини оқламайди. Аммо, бизнингча, никоҳ ёши масаласи атрофлича ўйлаб қуришга арзийди. Бир қарашда, бизнинг фаолиятимизда ҳаммаси — қонун-қоидалар. Дейлик, никоҳни расмийлаштириш маросими... Чиройли, мухташам саройлар қурилиб, ёшларимизни тантанали равишда никоҳдан ўтказаяпти. Эндилдикда тўйларни ихчамлаштириш, дабдабозликдан йироқ деган зарурдан-зарур гаплар майдонга чиқди. Албатта, никоҳни қайд этиш кунини қуёв машиналар қарвони билан кўчаларни «дуду»ларга тўлдириб, келинликка бориши, кафедра ўтириб, тўй ичида «тўй» қилиш каби ортқиқа одатлардан аста-секин халос бўлиб бораётганимиз яхши. Бироқ, бизнингча, тўйхонада қонуний никоҳни расмийлаштириш аксарият ҳолларда, бу маросимнинг қудрати, масъулиятини бироқ сусайтириб қўймайптими? ФХДЭ ходими тўйхонада санъаткорлар билан бирга келин-куёвни қутади. Шовқин-сурон, қарнай-сурнай...

Қонуний никоҳ маросими тантананинг умумий руҳиятига қўшилиб кетади. Ундан кўра, Давлатимиз Герби, байроғи остида никоҳни расмийлаштиришнинг ўзгача салобати бор. Чунки худди шу жойда улар миллионлаб Ўзбекистон оилалари қаторига янги бир оила бўлиб қўшилаётгани-



лаб нафақага чиққанман. Лекин ишдан бўш вақтимда ҳам оилавий бюджетга фойда тегсин деб, шу иш билан шуғулланиб келаман. Ҳозиргача махсус лойиҳа асосида уйда қизларни ўқитганман. Беш юздан зиёд шогирд тайёрладим. Менинг ниятим, бизлар тиккан бундай кўрпалар ҳар бир қизнинг сепида бўлсин. Шунинг учун махсуслотларимга талаб катта. Матоларнинг ҳам энг яхшисидан танлаймиз. Шунинг учун ҳам биттасининг нархи ўттиз мингдан юз минггача боради. Келган кунимиздан буён бу ерда 500 минг сўмликдан ортиқ кўрпа сотдик.

махсуслотларимизни сотган эдик. Бухородан келган тadbиркорлар билан шартнома тузиб, бир ярим минг метр адрас етказиб бердик. Бу гал ҳам шу бугунга қадар, икки миллион сўмдан зиёдроқ пулга махсуслотларимизни сотдик. Бир хорижлик аёл шарфларимизга қизиқиб қолиб, 600 тасини сотиб олди ва келгусида ҳам ҳамкорлик қилиш ниятида эканлигини билдирди.

— Бундай ёрқин рангаги, ўзига хос чиройли адрасларни бозордан топа олмаганим, пулиям анча арзон экан. Ўзим билан қизимга олдим, — дейди кўрғазмага келганлардан бири

РЕПОРТАЖ

мос тушади, келинларимизга жудаям ярашади. Йигирма нафар шогирдим билан тиккан ишларимиз. Ҳар бир сўзанани бир ярим ой, икки ойда тикиб битиришади. Махсуслотларимизни Эски шаҳардаги дўконларга тарқатамиз. Кўпинча чет-эллик сайёҳлар сотиб оlishади. Кўрғазмада иштирок этишимиздан мақсад, бизнинг фаолиятимизга қизиққанлар билан шартнома тузиш ниятимиз бор...

Залнинг каттагина қисмини жун гиламлари-ю, қуроқ кўрпа-

«ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА»

Юртимизда аёллар тadbиркорлигини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ иқтисодиётини янада яхшилаш ва аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш, хотин-қизлар ўртасида хусусий тadbиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожланиш борасида кенг ислохотлар олиб борилмоқда. Айниқса, маҳаллий хотин-қизлар кўмиталари томонидан янги иш жойларини ташкил қилиш, борасида худудларда амалга оширилаётган ишлар ўрганилганда уйда ўтириб қўшимча меҳнат билан шуғулланаётган опа-сингилларимиз томонидан ишлаб чиқарилган махсуслотларни тарғиб этиш ва сотувни йўлга қўйишга кўмаклашиш уларга янги имконият эшикларини очиб бермоқда. Шу мақсадда жорий йилнинг 4-5-6-июнь кунлари пойтахтимизнинг Миллий боғ худудидаги маданият ва санъат кўрғазмалари биносида ташкил этилган «Қўли гулдир ўзбек аёлин...» деб номланган худудлараро кўрғазма-савдо тadbиркорлик, хунармандлик ва касаначилик фаолияти билан шуғулланувчи уй бекаларининг миллий кадрларимиз асосида хунармандчилик махсуслотларини на-

дейишмоқда «Қўли гулдир ўзбек аёлин...» деб номланган доимий кўрғазма-савдо иштирокчилари

мойиш этиш ва шу орқали кейинги фаолиятларини белгилашда муҳим аҳамиятга молик тadbир сифатида эътироф этилди. 20 июлдан бошлаб эса мазкур кўрғазма-савдо доимий равишда фаолият кўрсатадиган бўлди.

Кўрғазма залини томоша қиларканмиз, пештахталарга дид билан терилган бир-биридан ажойиб, ўзига хос кўрпаларга кўзимиз тушди.

— Мен Шакаржон Юсупова, Хоразмдан келганман, — деб ўзини таништирди 62 ёшли онахон. — Бундай хонкўрпа, тошли кўрпа деб аталадиган кўрпалар фақат Хоразмда тикилади. Булар юпка қилиб пахта солиниб, майдалаб, ҳар-хил услубда гулли қавилади. Мен бундай хайрли ишни давом эттираётган, сулоланинг олтинчи авлодидан. Ҳозир бу хунарни набираларимга ҳам ўргатаман. Ўзим ўттиз олти йил тиббиёт соҳасида иш-



Қўшни пештахтанинг ёнида одам гавжум. Худди арзон нарса сотиб олаётгандек, одамлар навбатга қатор туришибди. Ўзимизнинг Маррилон атласию, адрасларини опаларимизу, қиз-жувонлар талашиб олишаётган экан.

— Ҳорманг, савдонгизга барака берсин, — дея сўрашамиз Фаргона вилоятдан келган меҳмонлар билан.

— Раҳмат, — дейди маргилонлик Равшаной Сотиволдиева. — Бу кўрғазмада иккинчи марта қатнашимиз. Ўзим хусусий тadbиркорлик билан шуғулланаман. Кўриб турган адраслару, шарфларни маргилонлик қизлар тўқиган. Матоларимиз ҳаммаси табиий хом ашёдан тайёрланган. Уттан сафар келганимизда уч миллион сўмликка яқин

Феруза Йўлдошева.

Кўрғазмага, бир қатор қилиб илиб қўйилган бир-биридан нақшинкор, кўзни қамаштирувчи табиат манзаралари акс эттирилган кашталар алоҳида файз бахш этиб турарди.

— «Меҳр нури» жамғармасидан 500 минг сўм фойсиз кредит олиб иш бошлагандим, — дейди яқка тadbиркорлик билан шуғулланаётган бухоролик Дилором Жўрақулова. — Бу — сўзана. Табиий матога энг олий навли ипак билан тикилади. Ипак ҳеч қандай кимёвий мода аралаштирилмаган табиий рангларга бўялади. Мана бу — дастурхон. Бўзинг устига турли гулларнинг тасвири туширилиб тикилган. Сумжаларимиз ҳам миллий кийимларимиз билан

ча-ёстиклари, қуроқ дастурхонлари билан эгаллаган жиззахлик аёллар кўрғазма томоша қилаётганларга «келинг, бизнинг махсуслотларни ҳам кўринг. Нима қизиқтирмаяпти сизни?» — дея ўзбекона лутф билан чорлайди. Ўзини Мухаббат Турдиева деб таништирган опaxonни суҳбатга тортдик.

— Биз Жиззахнинг жулбароқ, гажари, ойкўчат, тақир олача деб номланадиган гиламларимиз билан қатнашяпмиз. Бу буюмларининг бари табиий хом ашёдан қўлда тўқилади. Бундай гиламлар бизнинг Зомин, Зарбдор каби туманларимизнинг ҳар бир хонадонида бор. Чунки, қизларимиз шу гиламларсиз узатилмайди. Азалдан бу гиламларни буйи етган қизлар ўзининг сепига тўқиб тайёрлаб қўйишган. Момоларимизнинг гиламлари ҳам ҳозиргача ранглари ўзгармай, сақланиб келяпти. Бу — гирдавлон. Келинларнинг кўрпалари чанг тегмаслиги учун ўраб қўйилади. Гирдавлон — ипак иплар, нозик мунчоқлар, кумуш тангалар билан безатилади. Келганимиздан буён юз минг сўмлик гилам, олача, қуроқ кўрпалар сотдик. Кўрғазмага биринчи марта қатнашяпмиз, лекин менда жуда катта таассурот қолдириди. Навбатдаги кўрғазмага албатта бошқа қишлоқдошларимни ҳам олиб келишга ҳаракат қиламан.

Ҳа, «Иш билганга-минг танга» деган нақл бор халқимизда. Аёлларимиз, опа-сингилларимиз турмуш ташвишлари-ю, уй юмушлари, бола-чақаси тарбиясидан ортиб, ўз хунарлари билан оилавий даромадга ҳиссаларини қўшаётган, ундан ҳам ортириб, шахсий бизнесларини йўлга қўётган қўли гул ўзбек аёлларига ҳавас қилса арзийди.

Шаҳноза РОФИЕВА,
«Оила ва жамият» мухбири.



ТАНҲОДИР ОЛАМДА...

Мозийла тиллашиб, ошибсан довон,
Мисли у ҳикматли, донишманд «инсон»,
Фидойи деҳқонсан, соҳибкор боғбон,
Қаранг, тўрт томони боғзор, боғистон,
Тошкент бу, дўстларим, юртга бош, Тошкент.

Меҳмон келса иссиқ нонлар ёпган у,
Бағри кенлигидан эъзоз топган у,
Кўёшга юз тутган борлиги ёғду,
Барча кўнгилларга дардаш, ҳамдам у,
Тошкент бу, дўстларим, кўзу-қош, Тошкент.

Номига муносиб, шаънига монанд,
Эзгулик йўлида ўзни қилиб банд,
Ҳеч кимни ўқситмас, барча шод-хурсанд,
Эрур бутун дунё аро саодатманд,
Танҳодир оламда серкўёш Тошкент.

Икки минг икки юз ёшинг муборак,
Давлату зийнатинг, тошинг муборак,
Шарқнинг дарвозаси — шонинг муборак,
Бибисора айтар, шу энг ёруғ тилак:
Ҳар доим гуллагин, яшангин, Тошкент.


Бибисора ОТАЕВА

САЙҚАЛСАН ТОШКЕНТИМ

Кўёшга кўкрагин керган шаҳарсан,
Фозилу валилар кезган шаҳарсан,
Кўпларга бахт-иқбол берган шаҳарсан.
Сен меҳр шаҳрисан, жоним, Тошкентим,
Юртимнинг чиройи, ўзинг бош кентим.

Тошкентлик меҳмондўст бағри кенг эрур,
Барчага баробар, камтар ва мағрур.
Охирги нонини дўстларга берур.
Барака шаҳрисан жоним, Тошкентим,
Юртимнинг чиройи ўзинг, бош кентим.

ТОШКЕНТ — 2200



Ўлкаминг кўркисан, сайқалсан шаҳрим,
Тинчликка, дўстликка ҳайқалсан шаҳрим,
Мен учун дунёда афзалсан шаҳрим,
Юлдузлар мафтундир сенга, Тошкентим,
Ўлкаминг чиройи, ўзинг бош кентим.

Ҳамидулло ИСМАТ,
«Тошшаҳарнур» муҳандиси.

«ОҚ-ҚОРАНИ АЖРАТҚАЙДИМ» БОЛАЛАР

— Қани болалар, айтингларчи, бу қандай ҳайвон? — дея тарбиячи уларга кучукнинг расмини кўрсатади.

— Куён, олмаҳон, — дея ҳар хил жавобларни айтишди.

— Йўқ, яхшилаб ўйлаб кўринглар, тополмадинглар...

Болалар ўйлаш қанақа бўлишини билмаган ҳолда «ўйлай» бошлайдилар.

Ҳар доимғай тарбиячи уларга ёрдамлашиб юборди:

— Бу кучук. Хўш, бу қандай ранг? — дея энди ҳалиги опа қизил рангни кўрсатди.

— Оқ, қора, — деди улар чуғурлашиб. Баъзилари эса улар-

бор бермаганди, — дейди ёшгина аёл. — Биринчи фарзандимга ҳомиладор бўлганимни билган кунимданок юрагимни ҳовчулаб яшадим. Хайрият, чақалоқ соғлом туғилган «одамларнинг гапи бекор экан» деган хулосага келдим. Лекин қувончим узокқа чўзилмади. Ундан кейинги икки нафар фарзандим ногирон бўлиб туғилди. Ана шундан бери менинг азобли кунларим бошланди. Амакимнинг ўғли-турмуш ўртоғим ногирон болаларидан ор қилиб, уларни шу ёққа олиб келиб ташлади. Энг даҳшатлиси, эрим «битта бола билан ўтаманми?» деб яна бошқа хотинга уйланди. Унинг фикрича, ногирон болалар ҳисобда йўқ эмиш. Бундай пайтда жонжигирингиз ҳам сизни тушуни-

да намоён бўлмайди. Лекин кейингиларида фарзандлар кетмакет наслий касаллик билан туғилиши мумкин.


— **Она томондан қариндош бўлганлар турмуш қуришса, генда кўпроқ мутация кузатиладими ёки ота томонданми?**

— Қандай қариндош бўлишидан қатъий назар, генларнинг мутацияга учраши бир хилда бўлади. Чунки бола 50 фоиз генларни отадан, 50 фоизини эса онадан олади.

— **Аёлларнинг неча ёшда ҳомиладор бўлиши боланинг ва ўзининг соғлигига хавф солади?**

— 18 ёшга тўлмаган ва 35 ёшдан катта аёлларда туғма ривожланиш нуқсонини ва хромо-

билан боғлиқ касалликларни яхши билган шифокор бўлажак зурриёдиннинг ҳам бобосига ўхшаб туғилишини англагани учун ҳам уйланмаган дейишди. Лекин атрофимизда бундай тоифадаги одамлар афсуски саноқлигина. Баъзида бемор болани шифокор яхши даволай олмас, ҳамма айбни унга ағдарамиз. Лекин кўра-била туриб, ногирон фарзандни дунёга келтириб, болани бир умр чексиз азоб-уқубатга дучор қилаётган ота-она жазога тортилмайди. Януш Корчак ўзининг эсдаликларидан шундай ёзади: **«Оддийгина магазин очиб учун неча жойдан маълумотнома оламан. Сертификат, лицензияга эга бўлиш учун қанча елиб-**



яна соғлом бола туғишига ким қафол берарди?..

Ақсарият ҳолларда қишлоқ аёллари ўртасида ўз соғлигини муҳофаза қилиш ҳамда тиббий маданиятга беътибор эканлигига гувоҳ бўламан. Далилларга эътибор берадиган бўлсак, тиббиётчиларнинг аниқлашча, республика бўйича туғиш ёшидаги 250 000 аёлнинг фарзанд қуриши мумкин эмас экан! Уларнинг ҳали дунёга келмаган зурриёдилари тақдирини-ку қўя турайлик, ҳатто ўзларининг ҳаётлари ҳам хавф остида эканлиги ташвишли. Яна бир оғриқли муаммо, баъзида ногиронлар ўртасида қурилайтган оилаларда носоғлом болалар туғилиши кузатишмоқда. Бундай ҳолатларда икки

ХАТОЛАР ЖАБРИНИ КИМ ТОРТАДИ?

га бу саволнинг қизиғи йўқдек оғзи очилганча ўтирарди.

— Яна тополмадинглар...

Ҳамма нарсага қизиқувчи беш-олти ёшли болакайларга шундай савол билан мувожаз этсангиз, бидирлаганча жавоб бериб, сизни қойил қилиши турган гап. Лекин юқоридаги савол-жавоблардан кўриниб турибдики, бу болалар...

Касбим тақозоси туфайли шундай болалар тарбияланадиган муассасаларда кўп бора бўлганман. Ва ҳар доим ногирон, ақлий жиҳатдан ривожланмаган турли ёшдаги гўдак ёки ўсмир болалар билан юзма-юз бўлганимда мени бир савол оғир ўйга толдираверди: Булар кимнинг хатолари маҳсули?

Бундан икки йил аввал Собир Раҳимов туманига қарашли 1— ва 2 — Мурувват уйларига борганимда кўрган-кечирганларим бир умр хотирамга муҳрланиб қолди. Ана 25 ёшли қизалоқ. Лекин жуссаси уч-тўрт ёшли гўдакни эслатади. Ўрнидан туролмайди, юролмайди, гапиролмайди, овқатини еёлмайди — умуман, йўқ, у ёғини ёзолмайман.

Мана бу йигитчани 17 ёшда дейишди. Кўзларимга ишонмадим. У чақалоқни эслатарди.

Кўл-оёғи чангак бўлиб букилиб қолган. Унинг ёнида яна бир болакай калласи гавдасидан катта, кўз ўрнида фақат чизиклар... Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, лекин ҳаммаси бир-биридан аянчли. Ушанда тарбиячилардан бири бу ерга корейлик шифокорлар келганида содир бўлган воқеани сўзлаб берганди: «Ҳалиги шифокор бир боламизнинг кўл томирини текшириб кўрди-да, онаси ҳомиладорлик пайтида грип билан оғиргани туфайли оғир асорати унга ўтганини айтиб қолди. Буни қарангки, боланинг шахсий варақасида ҳам худди шундай ташхис қўйилган экан. Шу мутахассиснинг эътирофи этишчи, Корейда аёлларнинг ҳомиладорлик пайтида бирор бир касалликка чалинмаслиги учун ниҳоятда жиддий эътибор бериларкан. Афсуски, бизда эса айрим бўлғуси оналар ҳомиладор бўлган пайтда соғлиқлари ҳақида қайғуришмайди. Бундан ташқари камқонлик, асабийлашиш, қариндош-уруғларнинг оила қуришлари ҳам болаларнинг бирор нуқсон билан туғилишига сабаб бўлади.

— Мен амакимнинг ўғлига турмушга чиққанман. Айримлар «фарзандлари ногирон туғилди» дейишса ҳам ота-онам эъти-



ни истамайди. Гўёки ҳаммасига мен айбдордек.

— Мана шу неварамни шундай туғилишига ўзим сабабчман, — дейди бир онахон кўлоёқларини бошқара олмайётган, тушунисиз тилда алланималар деб гапирётган, тинмай буви-сининг этагидан тортиқилаётган 10 ёшлардаги боланинг бошини силаб. — Ўғлимга норози бўлсаям қариндошимизнинг қизини мажбуран олиб бергандим. Туғилган чақалоқни кўрган, ўзимни қаргадим. Энди эса менадан бошқа ҳеч ким унинг ҳолидан хабар олмайди...

КАТТА САВОЛЛАРГА КИЧИК ЖАВОБЛАР

Ёхуд қариндошлари билан қуда бўлаётганларни тинмай оғоҳликка қорлаб қарчамаётган республика Скрининг маркази маслаҳат бўлими бошлиғи Марҳабат ИСЛОМОВА билан суҳбат.

— **Кўп бор эшитганман, айримлар турмуш қуришган, «мана фарзандимиз соғлом туғилди, демак қариндошлар ўртасидаги никоҳдан носоғлом фарзанд дунёга келди, деган гаплар бекор экан-да» деб ўйлашади...**

— Тўғри, рецессив, яъни яширин генлар биринчи авлод-

сому касалликлари билан фарзандлар туғилиши эҳтимоли юқори бўлади.

— **Ҳозирги пайтда ирсий касалликларнинг қанча турлари мавжуд?**

— Айни пайтда хасталиклар сони етти мингдан ошиб кетди. Ҳар йили тиббиётда юзга яқин ирсий касалликларнинг турлари аниқланмоқда.

— **Фарзанд кутаётган онадаги ҳомиланинг ногиронлиги аниқланса, қандай чоралар кўрилади?**

— Пренатал скрининг текшируви натижасида ҳомилада туғма ривожланиш нуқсонини ёки ирсий касаллик аниқланса, бўлажак онага ҳомиладорлигини тўхтатиш маслаҳат берилади...

БОЛАЛАР ЁЗУВЧИСИ... БОЛА КЎРМАДИ

Ҳаммага маълум ва машҳур поляк ёзувчиси, педагог Януш Корчак умри давомида фақат болалар ҳақида китоб ёзди. Лекин севги-муҳаббат ҳақида бирорта асар ёзмади. Чунки у оила қурмади. Фарзанд кўришни хоҳламагани учун ҳеч кимни сева олмади. Сабаби... Януш Корчакнинг отаси руҳий касал бўлган. Бир неча марта руҳий хасталиклар шифохонасида даволанган. Болаларни яхши кўрган, улар

юрагимиз. Нега энди ҳаётимиз давомчиси бўлмиш фарзандларимизни дунёга келтираётганимизда унинг соғлигига беътибор бўламан? Вақтимизни қизганамиз?»

— Хизмат сафари билан Қашқадарёнинг чекка бир қишлоғида бўлганимда қирқ ёшлар атрофидаги аёлнинг бешинчи фарзандига ҳомиладор эканлигини гувоҳи бўлганман, — **дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари, Аналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Нурия Турева.** — Аёлнинг айтишига қараганда, икки нафар фарзанди ногирон бўлгани учун яна битта соғлом бола туғмоқчи эмиш...

— **Балки ундайлар аёл қирқ ёшида фарзанд кўрса, қони алмашади, ёшаради деган ақидага амал қилаётгандир?**

— Бу умуман нотўғри фикр. Ахир бундай ёшдагилар бутунлай соғлом ҳисобланмайди. Унда энди бир эмас, икки-уч хил касаллик пайдо бўлади. Бу дард ҳомиладорлик ва туғруқ пайтида кўзиди. Бу эса ҳам она соғлиғига, ҳам бола соғлиғига пуртур етказилади. Ана энди юқорида мисол келтирганимиздек, қирқ ёшли аёлнинг, яъни аввал ҳам ногирон бола туққан онанинг

тариф ўзаро кенгашиб, Скрининг марказларидаги мутахассислар назоратидан ўтишса, йўл қўйилиши мумкин бўлган даҳшатли хатоликларнинг олди олинган бўлар эди. Бирор кишини билмасдан уриб ногирон қилиб қўйсангиз, албатта қонун бўйича жавобгарликка тортишди. Аммо ўз фарзандларининг ногирон бўлиб дунёга келишига кўра била туриб «улуш» қўшаётганларга жазо берилмайди. Тасаввур қилинг, уларни боқиб, тарбиялаш ҳамда энг муҳими, чекланган имкониятини имкони борида яхшилаш ва даволаш учун сарфланаётган сарф-харажатлари ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Минг бора шукрки, бизнинг халқ мурувватпарвар ва сазовати. Шунингдек, мамлакатимиз Президенти, ҳукуматимиз истиқлолнинг илк йиллариданок ногирон, имконияти чекланган болалар (шу жумладан, катта ёшдагилар учун ҳам)га чексиз ғам-хўрлик кўрсатиб, уларни ҳар томонлама, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан тўла қўллаб-қувватлаб, ўзларини жамиятимизнинг фаол аъзолари сифатида ҳис қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

ХУЛОСА ЎРНИДА: Йўқ, азиз замондошим! Хулоса қилмоққа ёки бугун жамиятимиз (демак, ҳаммамиз)ни чуқур ўйга толдирадиган бу оғриқли мавзуга енгил яъни тил учидан муносабат билдирмоққа шошилманг. Ўйланг, кузатинг, ён-атрофингизга боқинг! Аввал ўзингиз (эр-какмисиз, аёлмисиз, фарзанд-мисиз)га савол беринг: Хўш, мен ҳам жисман, ҳам руҳан соғлом инсон бўлмоғим учун қандай яшаш тарзини танлашим керак? Ўз оиламиз, ота-она, фарзандлар, қўни-қўшни, маҳаллақўй, қишлоқ-овул, шаҳар ва... бутун мамлакат тақдирини энг аввало, СОҒЛОМ ФУҚАРОНИНГ қай тарзда ҳаёт кеңираётгани, яшаётгани учун қўйилаётган пойдеворнинг қай даражада мустаҳкам бўлмоғи учун масъулиятли эканлигига бевосита боғлиқдир. Шундай экан, аввало тану жисми-миз, руҳу қалбимиз соғлом бўлмоғи учун курашишдан ҳеч қачон қарчамайлик.

Барно СУЛТОНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

Инсоннинг қалбида раҳмдиллик аталмиш бебаҳо туйғу бор. Бу аксар ҳолларда ўзгаларнинг аламини, армонини ҳис этиш, унга муруват қўлини чўзиш истаги билан юзага чиқади. Лекин биз кўнгилмиздан кечган жамми ҳолатлар билан ҳисоблашиб, ўз имкониятларимизни ҳар доим сафарбар этолмаймиз. Натижада, истак оддийгина бир кечинмалигича умримизнинг қайсидир лаҳзаларида қолиб кетаверади.

даланди ва бу меҳнатларининг самарасини яна оромгоҳдаги шарт-шароитларини яхшилашга йўналтирди.

— Бола ҳар куни витаминларга бой, янги узилган мева ва сабзавот, полиз маҳсулотларидан тановул қилиши, сутқатиқ маҳсулотлари, ҳатто гўшнинг таркибидаги ўзгаришларсиз истеъмол қилиниши саломатлик учун нихоятда муҳимдир, — дейди у биз билан суҳбатда. — Мени бу каби хулосалар доим безовта

ўзгаришлар бўлиб, таъмирлаш ишлари олиб борилди, — дейди оромгоҳнинг мавсумий бошлиғи Александр Беляева. — Мавсумни кўтаринки кайфият билан бошладик. Бунда Хосият опанинг катта ҳиссаси бор. У киши қаерга, нима керак обдон ўрганадилар, биз билан кенгашидилар ва фермер хўжалигининг даромади ҳисобидан муаммоларни бартараф этиш режаларини тузадилар. Навбати билан шу тариқа кроватлар янгиланади, спорт жи-

ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ

ифори атрофни тутгунича қанча меҳнат, сабр-тоқат кераклиги хусусида доим ҳам ўйлаб кўравермаймиз.

— Оромгоҳ том маънода айтиш мумкинки, саккиз-ўн нафар кишининг фидойиликлари билан яшнаб турибди, — дейди Хосият опа ариқчалардаги хасларни йиғиб, гулларнинг қуруқшаб қолган япроқларини йиғайтган муштдеккина жусса аёл томонга ишора қилиб. — Улар учун бу ер худди ўз ўйларидек қадрдон. Ҳеч ким буормас ҳам тунлари полизларга сув тарашади. Ҳатто тўкилиб-сочишиб ётган меваларни йиғиб-теришиб қуритишди, дам олувчи қизларни ёнларига олиб маслаҳатлар беришади. Раиса Курбекарова, Элмира Охунова, Бахтиёр Нишонов, Дилбар Ортикова... Уларнинг бири ҳовли супуради, бири гул экади, бири дарахт парваришлайди... Эҳтимол, булар жуда оддий юмушлардир. Лекин ана шу оддий меҳнат ортидан оромгоҳ йил бўйи хизматда. Ёз мавсумида саккиз юздан ортиқ болажонлар дам олишса, бошқа пайтларда спортчиларнинг сеvimли масканга айланади.

— Хосият опанинг «Меҳржон» масъулияти чекланган жамият ташкил этиши ва ана шу тadbиркорлиги ортидан қатор эзгу ишларга қўл ураётгани ҳавас қилса арзигulik, — дейди Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг масъул ходими Ирода Ҳикматова. — Оромгоҳнинг «Меҳржон» номини олишида ҳам манتيкий уйғунлик бор, аслида.

Дарвоқе, биз оромгоҳда бўлганимизда Хосият опанинг ҳошимий сифатида тумандаги етим-есир, боқувчисини йўқотган кишиларни моддий қийатдан қўллаб-қувватлаб келаётгани, у кишининг ташаббуси билан ўтган йилнинг ўзида тўрт нафар қўзлари хаста кишиларнинг операция йўли билан шифо толгани хусусида ҳам гапириб беришди. Хосият опанинг бир яхши одати бор, кимга ёрдам бераётгани ва ўз хизматининг эътифори этилишини кўп ҳам ҳоҳлайвермас экан. «Ўнг қўлинг берганини, чап қўлинг билмасан» деган ҳикмати иборага амал қилаётган Хосият Турғунбоева ҳақида билганларимиз ҳозирча шу. Билмаганларимиз эса...

Ойбуви ОЧИЛОВА,
журналист.

«МЕҲРЖОН»НИНГ МЕҲРИБОНИ

...Хосият опа тиббиёт ходими эди. Оиласи тинч, эл аро ўзига яраша ҳурмат-иззат топган. Бир аёлга берилиши мумкин бўлган бахтиёрлик унинг ҳам турмушга хушнудлик бахш этиб турарди. Лекин унинг юрагидаги биз юқорида тилга олган дунёга раҳм-шафқат билан боқиш, ўзидан ортиб, ўзгалар учун ҳам нималардир қилиш аҳди бора-бора ҳаловатини ўғирлаб қўйганди. Бунинг асосий сабаби, унинг шифокор сифатида оромгоҳларда тез-тез бўлиши, айниқса, ёзги таътилни бу гўшаларда ўтказадиган Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари билан бўладиган мулоқотлари эди. Унинг назарида ёзги дам олиш мавсуми уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаб, ҳаётга муҳаббат билан яшашга яндовчи бир имконият. Фақат катталар буни тўғри англаб, болалар олами билан ҳисоблаша билмоқлари керак эди. Хуллас, Хосият опа Тошкент вилояти Урта Чирчиқ тумани худудидаги «Тошкент» денгизининг яқинида, Туябўғиз қўرғонига жойлашган «Меҳржон» (аввалги «Бытовик») оромгоҳига директорлик қила бошлаганига ҳам мана йигирма йилдан ошибди. Бошқа оромгоҳлардан фарқи ўлароқ бу хушхаво масканда асосан тумандаги кам таъминланган, ота-она меҳрига ташна болажонлар, Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, Оролбўйи худудларида яшовчи ўқувчилар дам олишади. Айни пайтда муассаса раҳбарининг иш услубида ҳам ўзига хослики кўриб, унинг шижоатига яна бир бора тан бердик. Хосият Турғунбоева яшиқлиқ йилларида берилган имконият — тadbиркорликка кенг йўл очилишидан ҳам самарали фой-

қиларди. Шунинг учун ҳам туман ҳокимлигига оромгоҳ яқинидаги ерлардан фермер хўжалиги учун ер ажратилишини сўраб мурожаат қилдим. Ташаббусим маъқулланди. Айни кунда беш гектар майдондаги сархил навли дарахтларнинг меваларидан ёз давомида дам олувчилар истаганларича териб ейишлари мумкин. Ўн гектарлик полизимизда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотлари шундоққ ўзилиб қозонга солинади ёки дастурхонларга тортिलाди. Аксарият ҳолларда боқувчи да турган буқаларни сўйиб, янги гўштдан овқат пиширилади...

Опанинг гапларини тинглаб атрофни кузатаман, йўлақлару ошхоналар, уйингҳоларнинг атрофларигача оппоқ мойчекаларга бурканган. Фарқ пишиб, тўкилиб ётган ўрикларга болажонларнинг осилишайтганига ҳам, бирор шохнинг синиб, дарахтнинг «ярадор» бўлиб қолганига ҳам кўзингиз тушмайди. «Авалло кўзи тўқ бўлиши керак, йўкса минг қилганинг бекор...» негандир хаёлимдан бувимнинг шу гаплари ўтади. Эҳтимол, биз баъзан атрофимиздагиларнинг оламидан излаб топа олмайдиганимиз «кўзи тўқлик» ана шу тўқисликлардан, ана заминимизнинг боғларидан бошланар.

— Ўтган йилдан буён бу ерда анча



ҳозлари, кўрпа-тўшаклар харид қилинади, опанинг гуруҳларда бўлиб, тўгараклар, машғулотларини кузатишлари, болаларнинг қизиқиш, интилишларига қараб, янги-янги вазифалар белгилашлари бизни ҳам завқ билан меҳнат қилишга ундаб туради.

Биз кўпинча оддий ва жўн хулосалар чиқарамиз. Дейлик, яшнаб турган бу гўшани кўриб, беихтиёр дилимиздан «оромгоҳ неча кишини боқиб турибди...» деган фикр ўтиши мумкин. Лекин, бир ниҳолни кўқатириб, ундан ҳосил олинганча, ёхуд бир қўчат ўтқазиб, гулнинг



КЎЗГУ

ҳоказо хилма-хил амалларни бажариш мумкин.

Сизга кўнгирак бўлганида ёқимли мусиқа янгради. Бу усул ҳам такомиллашиб, энди ўзини ёқтирган қўшиқ ёки сўзлар билан сизни мулоқотга қақришди. Хуллас, сиз истаган овозли ёки мусиқий ёзувни қақриув сигнали ўрнида телефонингизга жойлаштиришингиз мумкин. Бу ҳақда телевидение ва радио тинимсиз реклама қилмоқда. Аммо ҳоҳида бу қақриув сигналлари орасида шунангки бемаза сўзлар учраб қоладики, жамоат транспортда бўлсангиз-у,

ёзишга қўлимиз бормайдиган яна бир қанча беҳаё жумлариз киз боланинг овозида фаҳш оҳангидagi эркаланиш билан жаранглаб қоладики, йигиту қиздаги ҳоҳиллик қурбони бўлаётган гурур ва фаросатнинг аросатда қолаётганига ачинасан, холос...

Бир вақтлар ҳаётимизга видеомагнитофон ва «қароқчи»-видеокассеталар кириб келганида мафқуравий таҳдидлар бизни анча хавотирга солиб қўйган эди. Ушандан бери бу каби гаразли ҳаракатларга қарши жиддий кураш олиб борилади. Шунга қарамай, эндиликда ёшлар маънавиятига таҳдиднинг «сотка» усули юзага келмоқда. Аввалги беҳаё фотосуратлар, кейин-кейин видеотасвирлар уяли телефон хотирасига жамлана бошланди. Интернетдан «қароқчилик» йўли билан ёзиб олинган фаҳш сахналари, ўғринча суратга олиниб, яшринча тарқатилган котиллик жараёнлари, табиий офатлари турли фалокатларда жон бераётган одамларнинг аянчи ҳолатлари, номусга тажовуз манзаралари, ноқонуний трансплантация (болаларнинг тана аъзоларини сотиш учун уларнинг баданларини ёриш) тасвирлари ва ҳоказо...

Албатта, юқоридаги каби ҳолатлар ҳар қандай одамда ноҳуш таассурот қолдиради. Айби бор-йўқлиги худода аён одамларнинг хўрланиш тасвирлари ортидан кимдир мўмайгина (харом) пул ишлаб олганлигини

тасаввур қилиш қийин эмас. Афсуски, одамлар орасида «текин томоша»га ўч бўлганлар тоифаси кўпчиликини ташкил қилиши ачинарли. Бу каби тарбиясиз бизнесни ўзларига эп қўрганларни эса ким деб аташга ҳам ҳайронсан. Бу каби «қароқчилик» билан пул топиб, ёшларимизнинг маънавий камолотига таҳдид солаётган кимсаларнинг ҳолига фақат ачиниш мумкин. Нега ёшларни эътиборда тутаямиз? Сабаби, уяли телефонлардан фойдаланувчиларнинг асосий қисмини балоғат оstonасида турганлар ташкил этади ва бу телефонларнинг ҳар қандай замонавий русумини ҳам энг аввало ёшлар ўзларига тез «бўйсундира» оладилар.

Азиз ўқувчи, сизнинг ҳам бу ҳолатларга бефарқ эмаслигингизга ишонамиз. Фурурсизлик, орсизлик, манкуртлик гирдобига тортувчи бундай тубан ҳаракатларга қарши курашини энг осон йўли — ўзингизнинг уяли телефонингиз хотирасидаги (агар бор бўлса) бу каби тасвир ва овозли ёзувларни ўчириб ташланг. Ахир, сиз бу телефонни танангизнинг муборак аъзоларига, яъни эшитиш учун қулонингизга, гапириш учун оғзингизга яқин тутасиз. Биз гўзаллик, поклик ва эзгу амаллар ярашадиган миллатмиз. Тарихда ҳам, эртақларда ҳам эзгулик доим голиб келган. Зеро, инсоннинг энг катта душманларидан бири, шубҳасиз, бепарволикдир.

Қувондик СИДДИК,
журналист.

БЕҲАЁЛИКНИНГ «СОТКА» УСУЛИ

Бугунга келиб уяли телефонлардан фойдаланиш кундалик эҳтиёжга айланиб улгурди. Албатта, унинг фойдали жиҳатлари кўпчилиги доим эътироф этамиз. Шундай бўлса-да, хом сут эмган бандалармизки, ўзгариб турувчи феъл-атворимиз тизгинини баъзида шайтоннинг қўлига тутқазиб қўяётганимизни ҳам билмай қоламиз. Бундай ҳолатда энг мўъжизавий

кашфиёт ҳам энг хавфли душманга айланиб қолиши ҳеч гап эмас экан.

Келажакка назар солиб яна шунга айтиш мумкинки, тишларни тиклаш истиқболли клонлаштириш ва ген инженерияси каби илмий соҳаларда ҳам ўз ўрнини топса ажаб эмас. Ҳозирда янги усуллар яратилиб, булар тиш тўқималарини сунъий муҳитда ўстириш имконини бермоқда. Демак, келажакда ўлик имплантатлар ўрнига тирик тишлар ёки уларнинг бош-

амалга киритилди ва ҳозиргача 30 та реплантат ўрнатилди.

Бугунги кунда клиникамизда даволаш учун плантикасимон, винтсимон, эндисубперистал, эндодонто-эндоссал, диск, субптортикал ва интрамукоз имплантатлардан фойдаланилиб, дентал имплантация, даволаш, протезлаш, тиш жарроҳлиги, тиш реплантацияси бажарилади. Барча амбулатор жарроҳлик операциялари

ўтказилади. Беморларнинг хоҳиши билан даволашни умумий офрикислантириш билан амалга оширилади.

Клиника низоми бўйича жарроҳ-стоматолог, ортопед-стоматолог, тиш техниклари учун ўқув курслари ташкил қилинган. Умумий амалиёт билан шуғулланувчи врач-стоматологларга бир кунлик танишув машғулотлари ўтказилади. Имплантация усуллари ва имплантатлар асосида протезлашга қизиқувчи ортопед стоматологлар учун ҳам қисқа, махсус дарслар ташкил қилинган.

Юқоридаги масалалар билан қизиқувчи ҳамкасблар ва беморларни иш кунлари соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰гача телефон ёки электрон почта орқали олдиндан рўйхатдан ўтганларидан сўнг қабул қиламиш ва маслаҳатлар берамиз.

МАНЗИЛИМИЗ: Қўқон шаҳри, Туркистон кўчаси, 62-уй.

ТЕЛЕФОН: (8 373-55) 2-47-76, 3-20-67, 3-22-01

EMAIL: mansurov kokandxmail.ru

Хизматлар лицензияланган
«Оила ва жамият» муҳбири
Ўктам АБДУЛЛАЕВ
сўхбатлашди. (t)

ТАБОБАТ МЕРОСИ

КЎП ТАОМ

ЕЙИШНИНГ ЗАРАРИ

ИБН СИНО ДЕЙДИ: «Кўп таом ейиш жавҳарда ортиқча бўлган овқатдан фойдаланишни камайтиради, етилмаган хилтни кўпайтиради, майда тешиқчаларда тикималар пайдо қилади. Табиий қувватларни сусайтиради, иситмалар, турли саишлар ва бўгин оғриқларини келтириб чиқаради.

Унинг тадорухи — мулойимлаштирувчи латиф овқатлар ёрдамида табиатни юмшатишдир.

Совуқ мизожлига қарам шўрваси ва нўхат суви кабилар; иссиқ мизожлига эса лавлаги шўрваси, ясиқ шўрваси, кишк, тухум саригини узоқ истеъмол қилиш.

Иссиқ мизожлилар учун қизил гул шароби берилади, бироқ олхўри шароби ва тамариндан четланадилар. Чунки булар меъданинг овқатлар оғирлиги натижасида олган заифли-

гига яна заифлик ортиради.

Совуқ мизожлига келса, унга шахриён (шоҳлар дориси номи билан машҳур, бу жуворишни жигар ва меъда совуқлигига, истискога ва савдо хилтига қарши фойдади: шунингдек, ички суради ва қуланжга фойдаси бор) («Қонун», V, 81-бет, I, 449-бет) ёки муликкё ё зира маъжун (маъжунлардан зира жуворини ички аъзоларда совуқдан пайдо бўладиган оғриқларга фойда қилади, меъдани кучайтиради, овқатни ҳазм қилдиради, нордон кекирикни йўқотади)дан ялтилади. Сўнг бир ёки икки кунга енгил овқатлар берилади. Бадан тарбия қўлланилади, шунда ҳам бўлмаса, ишнинг сабаби тўлиб кетиши (имтило)дадир.

«Шарқ табobati» китобида олинди

ЎРГАНГАНИНГ ЎЗИНГА

ОФТОБ УРИШИДАН САҚЛАНИНГ

* Иссиқ элитиши, офтоб уриши кўпинча шамолсиз, иссиқ кунларда, айниқса, иссиқни кўтара олмайдиган ёки оғир меҳнат қилаётган кишиларда кузатилади. Кўёш нурларини яхши қайтармайдиган қора рангли кийим ёки ҳаво ўтказмайдиган қалин кийим иссиқ элитишига сабаб бўлади.

* Офтоб урган ёки иссиқ элитган кишини дарҳол тоза ҳавога олиб чиқиб, сояга ўтказиб қўйиш, танасини сиқиб турган кийимларини ечиб ташлаш керак. Баданини совитиш, бошини совуқ сув билан намлаш керак. Унга кўп суюқлик—туз қўшилган совуқ сув, кофе ичириш тавсия қилинади.

* Иссиқ элитиши ва офтоб уришининг олдини олиш учун ҳаво иссиқ кунларда ҳаракатланишга қулай, очик рангли, енгил кийим, бошга похол шляпа, панам, сурдан тикилган бош кийимлар кийиш тавсия қилинади. Иссиқ кунда узоқ йўл юришдан олдин жуда тўйиб овқатланиш ва ичкилик ичиш ярамайди. Чанқоқни босиш учун яхшиси яхна чой олиб юрган маъкул. Киши қизиб кетиши мумкин бўлган корхоналарда эса, танафус вақтларида салқин дўшга тушиш ёки бошдан сув куйиб олиш керак.

КИМГА ҚАНДАЙ КИЙИМ МОС?

Яхши дид билан кийиниш ўзига хос санъат. Киши ўз табиий нуқсонларини бошқалар сезмайдиган қилиб кийинмоғи лозим.

* Новча ва озгин аёлларга баданга ёпишиб турадиган тор қўйлак ва пальто, кўкраги очик, бўйламасига тик яхлит чокли енгисиз қўйлак тавсия этилмайди. Бундай қоматли аёлларга ҳамма томони бурмали, бел чизиги ёки бел чизигидан пасти кенг белбоғли, енг учи кенгрок тикилган, горизонтал чокли кийим кийиш мақсадга мувофиқдир.

* Тўладан келган аёлларга мутахассислар бурмали юбка, белбоғли, гулли ва енгисиз кийимлар кийишни маслаҳат бермайдилар. Аксинча бундай қоматли аёллар олд қисми очилиб турмайдиган, тиззани бекитадиган, тўғри бичимли, қуйи қисми кенг бўлмаган кийимлар кийиш тавсия қилинади.


* Бўйни қисқа ва юзи думалоқ аёлларга доира ёқали, тик ёқали қўйлақлар, шарф, свитер ўрнига ёқаси вертикал кесимли, қайтарма ёқали кийимлар кийишга мақсадга мувофиқдир.

Б. СУЛТОНОВА тайёрлади

ШИФОБАХШ ШАФТОЛИ

Шафтолининг меваси, барги, гуллари ҳам шифобахш. Шафтоли меваси таркибида асосан сув бўлса-да, бошқа моддалар ҳам бор. Жумладан қанд, пектин, сахароза, органик кислота (лимон ва олма-лар), ўрни алмашадиган ва ўрни алмашмайдиган аминокислоталар, А, Е, С, В1, В2, В6, В15 сингари дармондорилар бор. Ўзида калий, кальций, кремний, магний, натрий, олтингурут, фосфор каби маъданларни сақлайди. Уруғида ёғсимон мой, амигдалин, эфир мойи, темир, калий моддалари мавжуд шафтоли бир талай хасталиқларни даволашда азалдан қўлланиб келинади.

Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» кито-



бида бу гаройиб неъмат ҳақида: «Шафтолининг ёғи бош ярмининг оғришида, иссиқдан ва совуқдан пайдо бўлган қулоқ оғриқ-

ларида фойда қилади. Пишган шафтоли иштаха очади. Аммо шафтолини овқат устидан ейиш мумкин эмас», деб ёзилган.

...Пишган шафтоли ички юмшатади, хоми эса (ични) қотиради...

Халқ табобатида шафтоли барги ва гулларида тайёрланган сувли дамлама қандли диабетда ва гижжаларга қарши восита сифатида тавсия этилади. Янги баргидан тайёрланган бўтқа куйганда, яраларда, қуруқ ва ҳўл экземаларда, нейродерматит ва бошқа тери хасталиқларида наф беради. Шафтоли меваси қайт қилишни тўхтади, таом ҳазминга яхшилайди, аъзои-танадаги зарарли моддаларни ҳайдайди.

Шафтоли уруғидан мой ҳам олинади. Шафтоли мойи ажинларнинг олдини олади, юз терисини озиклантиради. Бу мой бош оғриғида (мигрен), ўткир сурункали

ТАБИАТ — ДОРИХОНА

қулоқ шамоллашида даво бўлади.

Шафтоли таркибида қалий элементи кўп бўлганлиги боис юрак-қон томир тизими хасталиқларига чалинган беморларга парҳез сифатида тавсия этилади.

Шафтоли, қовун, турп уруғларидан киши ош қошиқдан олиниб, унга икки ош қошиқ асал қўшиб аралаштирилади. Бу малҳамдан буйрак ва қовуқдаги тошни нуратишда фойдаланилади.

Шуни ёдда тутиш кераки шафтоли мевасини қанд касаллигига чалинган кишилар истеъмол қилмасликлари маъкул. Чунки, мева таркибида қанд микдори кўп.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

Мактабни битирадиган йилим синфдошим Зулайхони севиб қолдим. Кейин ҳарбий хизматга кетдим. Қайтиб келганимдан сўнг беш йил институтда ўқидим. У мени кутди. Мен ҳам шунча йил ўзга юртларда юрган бўлсам-да, бошқа қизларга қайрилиб қарамадим. Гўё биз бир-биримиз учун яратилган эдик. Ўртамаздаги муҳаббат шу даражада самимий,

англаб етганимча иккинчи фарзандим ҳам туғилди.

Шундан сўнг хотиним билан кундан-кунга бир-биримиздан узоқлашиб борардик. Мен тўйдан икки йил ўтгач, хотинимни ва онамни Тошкентга кўчириб олиб келгандим. Тўрт хонали уйда ортиқча иш йўқ бўлса-да, хотиним эрта-ю кеч кўшни хотинлар билан хангома қилишдан чарчамас, онамга овқат

бўлмаслигини ҳис қилдим. Зулайхо-чи, у нима бўлди дерсиз? Зулайхони мен унутгандим. Чунки уни ўйлаганимдан энди фойда йўқ, деб ҳисоблардим. Қишлоқдан шаҳарга келган, бизнинг муносабатларимиздан хабардор баъзи таниш-билишлар ҳалиям Зулайхо турмушга чиқмаганини шипшитишса, мен виждон азобида тўлғонардим. Лекин мен билан нарсага ҳайрон эдим. Ҳали уйланмасдан олдин у мени учрашиб юрган пайтларимиз бирор марта тушларимга кирмаган Зулайхони оилали

Юракдаги ёзув манглайга кўчармикан?

беғубор эдики, бир-биримизни қарашларимизданок тушунардик. Шунча йил мобайнида бирор марта хафалашмадик. Мен ҳар гал Тошкентдан қишлоққа бораётганимда гўёки қанот қоқиб борардим. Зулайхони-ку, айтмай кўяқолай, «йўлингизни пойлаб кўзларим тешилди», дерди ҳар гал ҳазиллашиб. Институтни битириб ишлаётганимнинг иккинчи йили онам мени уйлантириш тарафидига тушиб қолди. Ўқишда пайтим мендан бир оғиз ҳам сўрамай кўшни қишлоқдаги Манзура исмли қизга совчиликка бориб, ишни пишитиб келибди. Мен бу гапни эшитиб, қараётган ҳолатда тушиб қолдим. «Ҳеч қандай тўй бўлмади», деб



Тошкентга кетдим-у, уч ойлаб қорамни кўрсатмадим. Лекин онамнинг изимдан тўхтовсиз одам жўнатиши сабабли, ўзи йилга-сиктайверганими ёки иродасизлик қилдимми, ҳуллас, «ўзларинг биласизлар», деб юборганими сезмай қолдим.

Шундан кейин Зулайхо билан учрашини бас қилдим. Ҳатто уэр айтишга-да, ярамадим. Ҳуллас, тўй бўлди. Мен турмушимизнинг бошида гўёки бахтли эдим. Кейин-кейин фарзанд туғилгач, негадир кўнглимда бўшлиқ пайдо бўлгандек ҳис қила бошладим. Ҳаётимда нимадир камдек туюларверарди. Кейин билсам, бизнинг ҳаётимизда муҳаббат етишмас экан. Буни

қилиб, кир-чирини ювиш у ёқда турсин, хатто менинг ишдан келишимда ҳам очик чеҳра билан кутиб олмасди. Онамнинг дарди ичиде эди. Ахир келинини ўзи яхши кўриб қилганди-да. Шартаки, қайсар хотиним ҳеч қимнинг кўнгли билан ҳисоблашиб ўтирмас, оғзига келган гапни ўйлаб ҳам ўтирмасдан айтиб юбораверарди.

Бир куни сабр қосам тўлиб, илк маротаба унга «ҳаммаси жонга тегди, ажрашамиз», дедим. Шу гапимдан кейин унга инсоф берар, деб ўйлагандим. У-бўлса киприк ҳам қоқмай «майли, жавобимни беринг», деса бўладими? Мен ана шундаги бундай яшаб

бўлганимдан кейин бот-бот тушларимда кўрадиган бўлдим. Бир-иккита дўстларимдан «мен уни ўйламасам ҳам у тез-тез тушларимга қиради, нега шундай экан-а?» деб сўраганимда: «Зулайхо сени қаттиқ ўйлайди, унутолмайди, шунинг учун тушларингга кирса керак», дейишди. Мен Зулайхо билан тушларимда шу қадар бахтли эдимки, уйғонгач, бирикми кўн шун тушларим таъсиридан чиқиб кетолмасдим. Кайфиятим кўтарилиб, бошқа оламда юргандек ҳис қилардим ўзимни.

Ҳозир ёшим 35 да. Хотиним билан ажраганимга икки йил бўлди. Яқинда онам қишлоққа қариндошларникига меҳмонга кетди-ю, яна лашдан сўроқсиз, маслаҳатлашмай менга хотин топибди. Бу сафар ҳолаларим билан совчиликка Зулайхонларникига борибди. Зулайхоннинг ота-онаси «яна бир келингишлар-чи, аниқ жавоб айтмиз», дейишди. Мен уйгаимнинг ховучлаб, Зулайхоннинг рози бўлишини худодан сўраяман. Энди Зулайхо ҳар куни тушларимга қиради. Биз тушмизда шунчалик бахтлимизми... Биламанки, у билан турмуш курсак, ўнгимда ҳам бахтли бўлаемиз. Мен тушларимга ишонаман...

**УЙҒОН,
Навоий шаҳри.**

ТАҚДИР СЌҚМОҚЛАРИ

автомашинасига бориб урилади ва хотини ҳам шу жойини ўзида қаза қилади. Унинг ўзи бўлса, яримжон, кўзлари сўқир бўлиб қолади.

Ниҳоят, Соли аканинг оғир аҳволда касалхонада ётганини эшитган хиянлари уни Тошкентдан Бухорога олиб келишади. Оқибатни унутган ота шундагина қизлари ҳақида эслаб қолди. Тошкентдаги қаровсиз қолган уй-жойини сотиб, пулни қизларига бўлиб бермоқчи бўлганда бирортаси рози бўлишмади.

— Ишонасизми, улар пулимга қайрилиб ҳам қарашмади, — деди ўқинч билан отахон. — Чакиртирсам, ёнимга келишидо, лекин бирортаси ҳам «отажон, мен сизни олиб кетаман», демасди. Тўғри, уларни айблагша сира ҳаққим йўқ. Аслида менинг ўзим гуноҳкорман. Энди эса кеч...

Автобус манзилга етиб келди. Отахон билан хайрлашарканман, бир донишманднинг «Фарзандингиз қабрингиз устида кўз ёш тўкишини истасангиз, тирикчилигингизда уларнинг кўзёшини бехуда оқизманг», деган гаплари эсимга тушди...

**МОХИГУЛ НАЗАРОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.**

ЌАЁТ МАНЗАРЛАРИ

...Шаҳар фуқаролик судида эр-хотин Нодира ва Акмалнинг ўртасида дунёга келган тўққиз ойлик чақалоқ кимнинг тарбиясида қолиш-қолмаслиги ҳақида баҳс-мунозара давом этарди...

Шифохонада тунги навбатчилик қилаётган кезларимда турли беморлар билан яқиндан танишаман, мулоқот қиламан.

Бугунги навбатчилик кунимда ҳам ҳамшира Мавлудхон қўлимга бундан ўн кун илгари даволанган 40-45 ёшлардаги Акмалжоннинг ёзган хатини берди.

Мен секингина хатни очиб ўқидим:

«Уэр, ака, ушбу хатни ўқиб, ўрганиб, газетада берсангиз. Мен асли дангаралик бўлиб, ўн беш йил давомда Чархий мавзесида яшаб, шу ҳудуддаги мактабда ҳам ўқитувчи, ҳам боғбон ва қоровуллик қиламан.

Йигирма йил аввал биринчи оиламдан ажраб, шаҳарлик Нодира исмли бир жувонга уйланганман. Унинг тўрт ёшли Дилфуза деган

кўрмаётган тоғасининг қизига уни бериши шартлики ёки чақалоқни туғруқхонадан тўғри Меҳрибонлик уйига топшириш ҳақида қайта-қайта ўқтирарди.

Бошим қотиб қолган. Нега қайнонам бу беғуноҳ нарасидага шунчалар азоб беради? Қайнотам чақалоққа умуман қарамади, бобо бўлиб қўлига бир бор олмадиям. Гўдақда нима айб? Қизи Нодира ўғил фарзанд кўргани учун айбдорми? «Ўғай» қизимиз ўз онасидан туғилган уқасидан нега жирканади? Шу қиз эсли-хушли бўлганида ўз онасига нисбатан хурматсизлик қилармиди? Онасининг кийимини ювиш, бир пиёла чойини дамлаш ё бир коса, овқатни қилишга ярамайди? Ўғай отанинг пули керагу, ўзи ва боласи керак эмасми?»

ИЧКУЁВНИНГ ДАРДИ ИЧИДА

қизалоғи бор эди. Дилфузага ўн олти йил оталик қилдим. Даставвал иккинчи рўзгорим билан Андижонда яшадик. Мен педагогика соҳасида таълим олдим. Сўнг газетада ишладим. Бир таниш ҳуқуқшунос бизга уй олишимизга ёрдам берди.

Орадан йиллар ўтиб, ота-онасиз укаларимга бош бўлиш учун қишлоққа кўчиб келдим. Лекин уйдагилар мени ва оиламни сиғдиришмади. Сўнг қайнонам бизнинг ҳолатимизни англаб, шаҳардан бир хонали квартира сотиб олиб берди. Мен ичкўёвликда яшаб, хотинимни қизимиз улғайгани учун ишлатмадим.

Аёлим ўн беш йил давомда уч бора ҳомиладор бўлди. Лекин чақалоқни дунёга келишини олдини олиб, қайнонам ҳар гал болани олдириб ташлашга сабабчи бўлди. Сўнгги фарзандимиз — ҳозирги чақалоғимиз ҳам минг аросатда дунёга келди.

Аваллига аёлим — ҳомиладор даврида Дилфуза ўз онасига пичоқ кўтариши, ўқлов билан уриши, қайнонам эса чақалоқ туғилса-да, беш йилдан буён фарзанд

Тўғри, ичкўёвман. Ахир бировга тегишли бўлган бу уйнинг кадастр орқали ноқонуний расмийлаштирилгани менга сир эмас-ку! Ҳўш, уйни бўшатишим керак экан, нега унда оиламга ва менга ҳар жиҳатдан азоб бериляпти?»

Орадан йиллар ўтиб, ота-онасиз укаларимга бош бўлиш учун қишлоққа кўчиб келдим. Лекин уйдагилар мени ва оиламни сиғдиришмади. Сўнг қайнонам бизнинг ҳолатимизни англаб, шаҳардан бир хонали квартира сотиб олиб берди. Мен ичкўёвликда яшаб, хотинимни қизимиз улғайгани учун ишлатмадим.

Эл эса барибир ҳақ сўзни айтади. Сиз нима дейсиз, азиз муштарий?

Суд залида ўтириб, гоҳ аламини ичига ютиб ўтирган кўёвга, унинг қисмати-га, гоҳ чақалоққа, гоҳ она-зорга тикиламан. Нафратимни ўша, ўзича «иймони бутун», лекин аслида инсофи йўқ қайнона-қайнота, эрка қизалоқ, ҳар мақомга йўрғалайдиган қайноғаларга қарата «сизлар бугунки эмас, охиратни ўйланг», дегим келаверади.

**МУХТОР БЕК,
Кўкон шаҳри,
журналист.**

ЎФИЛ ҲАМ, ҚИЗ ҲАМ ФАРЗАНДИР

Мен бу кўзлари ажиз қария билан тасодифан автобусда танишиб қолдим. У киши йўлда зерикмаслик учун менга бошдан ўтганларини айтиб берди. Айниқса, газетада ишлашимни билгач: «Қизим, менинг бошимдан ўтганларини газетага ёзинг. Зора, булар кимларгадир сабоқ бўлса...» деб қолди.

Пахта тозалаш заводига кўп йиллар бош ҳисобчи бўлиб ишлаган Солининг оиласида кетма-кет уч нафар қиз фарзанд дунёга келди. Лекин ота биринчисига «Чидди, иккинчисига кўнқиди, учинчисига келганда... Чидолмади — ажралишга қарор қилди. Хотини, қизларининг кўз ёшларига раҳми келмай, оиласини ташлаб, пойтахтга кетиб қолди. Тез орада ўзига тўқ бир хонадоннинг «ўтириб қолган» Назира исмли қизига уйланиб, ичкўёв бўлган Солининг ишлари юришиб қолди. Кўп йиллар кутилган ўғил фарзанд — Умиджоннинг туғилиши эса янги сотиб олинган ҳовли тўйига қўши-

либ кетди. Кейин эса...

— Ўғлимни жуда эрқалатиб, ҳеч нарсага зориктирмай ўстирдим, — деб эслайди Соли ота. — Аммо Бухорода қолиб кетган қизларимдан бир марта ҳам хабар олмадим. Кейин эшитсам, онаси уларни минг азоб билан улғайтирибди, ўқитибди, тўй-томоша қилиб узатибди. Мен эса бу ёқда «ўғлим бор, нима гапим бор?» деб юрaverибман.

Ота-онанинг ёлғиз фарзанди Умиджон жуда арзанда, тантик бўлиб улғайди. Ўзига ўхшаган ишбўқмас, тақасалтанг ошналари-га қўшилиб, гиёҳванд модда қабул қила бошлаганини ота-онаси билмасди. Улар бундан хабар топишганда, кеч бўлган эди. Қанча югур-югур, даволатишлар самара бермади. Бир куни... гиёҳванд моддаи меъёридан ортиқ истеъмол қилиб, вафот этди.

Соли ака бўлса, бу фожеани кўтаролмай, ичкиликка берилиб кетди. Хотини Назира билан тўйдан қайтаётганларида бир юк

таверади. Яримта рост гапга илашиб олган шўрлик эса тортилаверади, тортилаверади. Ахйри ҳолдан тояди. Йўғон бўлса қўзилиб қолади, ингичка бўлса узилай дейди. Сезадики, муттаҳамга адолатдан бошқа нарса керак.

На илож! Шўрлик муттаҳамдан қутулиш учун унга тегиб кетган этагининг учини кесиб юборарди...

ЛОЛА ЎРОҚОВА

(Боши ўтган сонда)

— Бўпти, уэр, мен кетдим, — у орқасига ўгирилиб эшик томонга юрди.

— Менга қара, адабиётдан уйга нима вазифа беришган эди? — сўради Санжар гўё ҳеч нарса рўй бермагандек бепарво оҳангда.

— Эсимда йўқ, — совуққина жавоб берди Рихсивой ва секин пастга тушиб кетди.

У кўчага чиқди, қаёққа боришини билмасди, қадамини бир-бир босиб, боши оққан томонга кета бошлади. Қанча юрганини билмайди. «Ҳа, муллавачча», деган таниш, жарангдор товуш уни ўзига келтирди. Бошини кўтариб қаршисида мазахли илжайиб турган Анқабоевни кўрди.

— Ҳа, акаси, шоирларга ўхшаб жуда кўринишинг паришон?

Дарҳақиқат, Рихсивой пароканда, хаёлини йиғиб улгурмагани, кўзларини пирпиратганча Анқабоевга бирпас тикилиб турди.

— Нима қиласан буни?

— сўради Рихсивой.

— Ҳеч нарса. Чиройли

бўлгани учун бекитиб қўйганман. Гоҳ-гоҳида олиб қараб қўяман. Зўр-а?

— Зўр, — сидкидилдан тан берди Рихсивой.

— Овчиларники, махсус хужжат билан сотилади!


Анқабоев яна пичоқни латтага ўради. Унинг илтимосига пичоқнинг нима даҳли борлигини тушунмаган Рихсивой тоқатсизлана бошлади. Ахир, у пул сўраб келди-ку!

— Кетдик, — деди Анқабоев Рихсивойнинг фикрини уққандек.

Улар пастга, ҳовлига тушишди. Қўшни йўлакка яқинлашишди. Анқабоев икки панжасини оғзига тикиб хўштак чалди. Тўртинчи қаватнинг балконида кўзойнак таққан бола пайдо бўлди.

— Туш пастга, — буюрди Анқабоев.

Бола «нимага» деб ҳам сўрамади, «хўп» деди-ю, кўздан ғойиб бўлди.



Майли олсин, пул топганим-да қайтиб оларман.

Рихсивой ўртоғидаги ўзгаришни сезди.

— Биласанми, нимага қарз сўра-япман...

— Зарурдирки сўраяпсан, зарур бўлмаса сўрармидинг! — суриштиришни истамади Анқабоев.

— Майли, раҳмат, бир ҳафтадан кейин қайтариб бераман.

— Ие, мабодо еб кетсанг нима қиламан? — илжайди Анқабоев, у яна ўзини қўлга олволган эди. — Мен сендан қачон қайтарасан деб сўра-япманми? Толганингда берарсан, бир ойдан кейинми, икки ойдан кейинми...

Пастда Беозор пайдо бўлди, у роса югурибди шекилли, ўпқасини босолмай ҳарсилларди.

— Мана йигирма минг сўм, ўзинг айтганингдек, давлат нархи. Агар хоҳласанг яна қўшиб беришим мумкин.

Фарҳод МУСАЖОН

**ИЛК ПУЛЛАР**

Биз бугун асосан қозғов ва танга пуллари биламиз. Уларнинг олис ўтмишдаги шакллари турли ва антиқа бўлган.



Умуман, пуллар инсоният тарихида алоҳида ўрин тутди. Ўз ўрнида уларнинг тарихи ҳам ўзига хос бўлиб, турли муомала қийматларида ва турли нарсалардан тайёрланганлигини ҳамма ҳам билвермас керак.

Маълумки, 1799 - 1867 йилларда Аляскада Россия - Америка компанияси фаолият кўрсатган. Уша даврларда ишчиларга маош тўлаш мақсадида чарм пуллар муомалага чиқарилган. Бу пуллар 1, 2, 5, 10, 20 сўмлик банкнотлар-



дан иборат бўлиб, 10 минг нусхада тюлен терисига чоп этилган. 1826 йилдан эса янги пуллар чиқарила бошланган, бу пуллар дағал териларга чоп этилган бўлиб, 10, 25, 50 тийинлик тери тангалар эди. Кейинчалик янги пуллар муомалага чиқарилган бўлишига қарамасдан тери пуллар ва тангалар 1867 йилга қадар, яъни Аляска Америка Қўшма Штатларида сотиб юборилгунча муомалада бўлган.

ЭНГ БАЛАНД БЎЙЛИ СУТ ЭМИЗУВЧИ

Ҳайвонот олами шу қадар мўъжизаларга бойки, хайратимиз чегаралари дахл билмайди. Бу мўъжизалар сирасига ғайритабиий кўринишга эга бўлмиш жирафа ҳам қиради.

Жирафанинг бўйи беш ярим метр атрофида бўлиб, табиатдаги энг баланд бўйли ҳайвон ҳисобланади. Жирафанинг бўйини шунча узун бўлишига қарамай, барча сут эмизувчиларники каби унинг ҳам бўйин умуртқаси погоналари сони еттита. Фақат жирафада погоналар бир қадар узун ва катта. Шу боис бўйинининг ўзи 250 килограммгача тош босади.

Воёга етган ж и р а ф а бир-икки тоннагача вазнга эга бўлади. Урғочи жирафаларда бу кўрсаткич ўртача икки марта камроқ.

Бу ажойиб ҳайвоннинг энг баланд бўйли намунаси бўлган Жорж исмли эркак жирафа 5,88 метрга етган. Жорж 1969 йилда Англиянинг Честер ҳайвонот боғида ўлган эди.

Наргиза С АРИМОВА тайёрлади

«ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА»

— Ўзим, — деб жавоб қилди бир оз фурсатдан сўнг.

— Адабиётчилар таъбири билан айтсак, «руҳий азоб чекаётганинг серифода юзингда балқиб турибди», — яна мазах қилди Анқабоев.

Ҳозир Рихсивой бировнинг майнавозчилигини кўтарадиган аҳволда эмас эди. Жаҳли чиқиб тўнғиллади:

— Ўн минг сўм бериб туролмайсанми?

Анқабоев бир лаҳза жим қолди. У синчиклаб Рихсивойга тикилди ва кутилмаганда:

— Албатта бериб туроламан, ўн минг сўм нима деган гап экан бизга? — деб қолди.

У яна майнавозчилик қиялпими, чиндан айтаяптими, Рихсивой биллмади.

— Мен сенга ҳазиллашаётганим йўқ, ошна, — жиддийлашди Рихсивой.

— Мен ҳам ростини айтаяпман, — деди Анқабоев. — Юр-чи, уйга чиқайлик.

Олдинда Анқабоев, орқанда Рихсивой йўлга тушишди ва тўрт қаватли уйнинг учинчи қаватига кўтарилишди. Қалит солиб, чапдаги хонанинг эшигини очди.

— Қани, кир ичкарига.

— Мен шу ерда тура қоламан.

— Э, ким остонада туради? Кир-равер, ҳеч ким йўқ, — Анқабоев Рихсивойни туртиб уйига киргазди. — Агар хоҳласанг муздек компот бор, музлатгичда.

— Раҳмат, ичгим келмаяпти, — деди Рихсивой.

— Зўрлаш йўқ! Бўлмаса, бу ёққа юр!

Анқабоев Рихсивойни балконга бошлаб чиқди. Балконнинг ярмисига тахтадан сўри қилинган экан, «ҳозир бир дақиқа», деди-да, чўққайди, кейин эмаклаб сўрининг тагига кириб кетди. Анчагача тақир-туқир қилган овозлар эшитилди. Ниҳоят, Анқабоев инқиллаб-синқиллаб, эгни, боши чанга ботиб, битта эски чамадонни судраб чиқди. «Наҳотки, бир чамадон пул бўлса, — дилидан ўтказди Рихсивой, — бекитган жўйини-чи».

— Ҳозир акаси, ҳозир, — далда бериш оҳангида гапирди Анқабоев, мих тикиб чамадоннинг қулфини очди.

Чамадоннинг ичи тўла ҳар хил ашқол-дашқол экан, электр шурурлари, бузуқ дазмол, йиртиқ камера... Анқабоев чамадоннинг энг тагига қўл тикиб, латтага ўралган бир нарса олди. Авайлаб очди. Рихсивойнинг кўзлари чакнаб кетди. Бу пулати ялтиллаб турган катта пичоқ эди.



— Битта таниш овчидан ялиниб сотиб олган эдим. Буни ҳаммага ҳам беравермайди, — қайтарди Анқабоев ғалати овозда, — овчилар дафтарчаси бор одамгагина сотишади.

Зум ўтмай, кўзойнак таққан бола пастда пайдо бўлди. У жуда олифта экан, чийдухобадан шим, пошнаси қалин туфли, қўйлаги ҳам қайсидир фирманики. Аммо юзи лўпқина, кўз қарашлари майин, худди қиз болаларга ўхшайди.

— Ушла, — Анқабоев пичоқни унга узатди.

Бола латтини очиб ҳам кўрмади. — Ростданми... рози бўлдингми? — ишонқирамай сўради у.

— Пулни олиб туш, — гапни қисқа қилди Анқабоев.

Бола пичоқни олиб юрганича тепага чиқиб кетди.

— Бунда йўқолмайди, сақлаб қўяди. Аммо зўр пичоқлари бор-да, кўрсанг оғзинг очилиб қолади, — Анқабоев яна илжайди. — Ўзи ипадек бола, лақаби Беозор, шу ҳолига пичоқ йиғишига ўлайми? Э, ўйгилдим сендақ коллекционердан!

— Беозор дейсанми? Шунча ҳам лақаб бўларканми?

— Бўларкан-да... лекин унда йўқолмайди, — Анқабоевнинг овозида ачиниш оҳанглари бор эди. —

— Нима, мен сенга олиб-сотарманми, устига нарх қўясан! Кетимдан ярим йилдан бери менга сотақол, деб гингшиб жонимга текканинг учун беряпман, — дўк урди Анқабоев ва ортиқ бир сўз демай пулни олиб орқасига бурилиб кетди.

Улар муолишга етганда Анқабоев пулни санаб, ўн минг сўм ажратди-да, Рихсивойга узатди.

— Бўпти, оғайни, мен боғчага боришим керак, синглимни олгани.

— Раҳмат, — деди пулни олиб Рихсивой.

— Уф, раҳматга бало борми, маданиятли одамларни кўрсам, кўнглим озади!

Анқабоев беш-олти қадам юриб тўхтади, орқасига ўгирилиб, одати бўйича ҳазиллашишга уринди.

— Хов яласки, агар қачон бирор ёрдам керак бўлиб қолса, айтавер тортинмасдан.

Рихсивой ҳам тўхтаб, Анқабоевга меҳр билан боқди.

— Хўп, шалпангкулок, агар бирор ёрданинг керак бўлиб қолса, албатта айтаман.

— Келишдик, — деди Анқабоев тиржайиб.

Улар қарама-қарши томонга қараб йўл олишди...

(Тамом)

Нуфузли тижорат газеталаридан бирида ғалати рекламани ўқиб қолдим: «МЧЖ «Охират Сафар» ЖАНОЗА, ДАФН ЭТИШ (йирик ҳарфларда те-рилгани нимани англатади?)

Шу пайтгача бундай эълонга кўзим (ишим тушишдан худо сақласин!) туш-магани учун азбаройи бу «хизмат»

либ бўлмайди. Ҳаммамиз Худо ўлчаб берган умрни яшаб, бу ёруғ оламни тарк этамиз. Лекин наҳотки кунимиз дафн маросимларини ўтказиб берувчи фирма, масъулияти чекланган (!) жамиятларга қолган бўлса? Маҳалла-кўй, қавми-қариндошлар қаёқда қолди? Меҳр-оқибат қани? Наҳот энди

ТААССУФ

дир. Яна бир жиҳати, «йўқ, биз бу эълонни бошқа миллатлар манфа-атини кўзлаб берганимиз», деган ба-ҳона ҳам айтилиши мумкин. Ҳўш, «унда нега бу реклама ўзбекча матн-

СЎНГГИ ЙЎЛГА КУЗАТИШ... неча пул туради?

тури нимадан иборат экан дея секин газетда берилган телефон рақами-ни тердим. Ўзимча телефон орқали айтиладиган савол-жавобларни ўйла-дим: «Алло, эшитамиз, ҳўш, сизга ғас-сол керакми ёки гўрковми? Ҳатто биз-да йиғловчилар ҳам топилади» деб қолишса, нима деб жавоб бераман деб тургандим. Хайрият, гўшакии ҳеч ким кўтармади.

Биламан, айримлар бу гапларни ўқиб «нима бўпти, ҳеч таажублана-диган жойи йўқ, бу ўз номи билан реклама эълони-ку!» дея изох бери-ши ҳамда «кимдир сотади, кимдир харидор — хоҳлаган махсулотни хар-ид қилади. Қанчадан-қанча бир-би-ридан «қулай» хизмат турлари ҳам рекламада таклиф этилади. Чўнтак-да пулнингиз бўлса, хоҳланг уни-дан фойдаланинг, хоҳланг буниси-дан» дейишлари ҳам мумкин. Очиги, буниси энди жуда ошиб тушди.

Тўғри, ўлим ҳақ! Ундан қочиб куту-



одамлар ўз биродарларини сўнгги манзилга кузатишдан оғринадиган бўлиб қолишган бўлсалар?!.

Шу эълонни қишлоқ тарафларда мабодо ўқиб қолишса борми, акса-рият одамлар ёқаларини ушлашлар-и тайин. Чунки ўзим гувоҳиман, ғас-солни-ку кўйинг, ҳатто гўрковларга ҳам биз тарафларда эҳтиёж йўқ. Бош-қа худудларда ҳам шундай.

Балки қишлоқ шароити шаҳарни-кага мос келмас. Шу боис ҳам бу «Дафн маросимини ўтказиб берамиз» дегувчи фирмалар пайдо бўлаётган-

да ўзбек тилида чиқадиغان газета-да чоп этилди?» деган мантиқан ҳақли савол ҳам туғилади.

Рост, айрим нашрларда «рекла-ма матнга реклама берувчи жа-вобгар» деб ёзиб қўйилган. Бу ҳам баҳс-талоб ҳолат, у ҳолда тахрири-ят нимага жавобгар бўлади?

Бу аҳволда дуч келган одам исталган тарғибот муассасаси (шу жумладан оммавий ахборот воси-талари, орқали ҳам «пулини тўлаб қўйганман» дея хоҳлаган рекла-масини эълон қилаверса, оқибат-и не кечади? У ҳолда элчилик, оқибат, қарз ва фарз деган эзгу тушунчаларимиз нима бўлади? Бу каби фирмалар бундай инсоний тушунчаларини ҳам «дафн» қилиб юборишмасмикан?

Оддий бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: У ҳам бўлса ҳар қан-дай талаб ва эҳтиёжни пул билан ўлчаб бўлмайди. Бу айникса, мил-лий манфаат билан боғлиқ бўлса...

Суюндик МАМИРОВ



ОИЛАМНИ АСРАЙ ОЛМАДИМ

«Ўқтам икковимиз ота-оналари-мизнинг раъйига қараб, оила қургандик. Биз гўё эл назарида бахтли яша-ётгандай эдик. Афсуски, изма-из ту-гилган фарзандларимиз ҳам оила-мизни мустаҳкамлай олмади. Арази-маган муаммо жанжалга айлана б-к-таверди. Бора-бора турмуш ўртоғим ичкиликка ружў қўйди. Уйимиздан файзу барақа кўтарилди. Болалари ҳам кўзига кўринмай, ҳовли-жойни ташлаб, бош олиб чиқиб кетди. Оиламни асрай олмаганимдан афсус-даман. Ўқинларимиз ҳам аралашди, лекин фойдаси бўлмади. Тошкент вилоятиданман. **Ёшим 44 да.** Маълумотим олий. Қадримга етадиган, йимонли, эллик ёшгача бўлган ин-сон учраса, оила кўрмоқчиман.

Наргиза».

ЁЛГИЗЛИКДАН ҚЎРҚАМАН

«Лариса билан севишиб турмуш қургандик. Жуда бахтли яшардик. У мен орзу қилган аёл эди. Афсуски, фарзандли бўлмадик. Бола асраб олишни Лариса истамди. Ажрашдик. Сўнг икки ўгли бор бир бева аёлга уйландим. Кетма-кет уч қизли бўлдик. Меҳнатим орқасидан оиламни бекаму кўст таъминлардим. Лекин аёлим ўз ўғилларига айрича меҳр кўрсатарди. Оқибат оилада уларнинг айтгани-айтган бўлиб қолди. Асабларим чарчади, охири бўлмади — ни-коҳимиз бекор бўлди. Тўнғич қизим оилали. Икки қизимнинг бўйи етган.

Уларни эгасига топшириб, ёлғиз қолишимни ўйласам, юрагим орқа-мага тортиб кетади. Сирдарё вилояти-данман. **Ёшим 57 да.** Мени тушу-надиган, меҳрибон аёл бормикан? **Шухрат».**

НЕВАРАМНИНГ БЕШИГИНИ ТЕБРАТСАМ...

«Қизимнинг тақдирини ўйлаб, отаси билан маслаҳатлашиб, ниҳоят сизларга хат ёзаяпман. Муниса кен-жа қизимиз бўлгани учунми, дастлаб келган совчиларга «олий даргоҳни тугатсин-чи, кейин узатамиз», дея рад жавобини бердик. Орзу-хавас-лимиз деб тагли-тугли жойдан куёв чиқишини кутдик. Қизимиз ҳам биз-нинг раъйимизга қаради. Узи ўқитув-чи. Касбини жуда яхши кўради. Қанийди, у ҳам бир уйнинг бекаси бўлиб, бахти тўғал бўлса, боласин-инг бешигини тебратам, деган ниятдаман...

Тошкент шаҳрида яшаймиз. Қизимнинг **ёши 32 да.** Тенги чи-кса, узатардик.

Зумрад хола».

УЧ ҚИЗИМ БОР — БАХТЛИМАН

«Норбой билан турмуш қуриб, жудаям бахтли яшаётгандим. У киши

икки қизимизнинг бирини шифо-кор, бирини ўқитувчи бўлишни орзу қиларди. Бизларни деб уззу кун меҳнат қилиб чарчамасди. Аф-суски, қутилмаган кўргуликлар ҳам пешонамда бор экан. Эрталаб би-нойидек ишга чиқиб кетиб, пе-шинда ўртоқлари унинг жасадини олиб келишди. Автоҳалокатга уч-рабди... «Дод», дея чирқираб қола-вердик. Акаларим уй-жойимни со-тиб, бизни ота ҳовлимизга кўчи-риб олиб кетишди. Дастлаб кели-нойиларим кўнглимга қараб туриш-ди. Бирок, уй-жойимизнинг пули тугагач, қизларимни турткилаб, чи-қиштирмай қўйишди. Ўзим эртаю-кеч ишлардим. «Етим ўз ошини ейди, кишининг миннатини эшта-ди», деган гап рост экан. Сиқилган-нимдан тез-тез юрагим санчийди-гани бўлиб қолди. Яқин дугонам мени тахририятга бошлаб келди. Тақдирим менга ўхшаш, биттагина қизчаси бор инсон билан таниш-дим. Акаларим сўраб-суриштириб, рози бўлишди. Энди эса ўз оилам борлигидан, уч қизимнинг меҳри-бон онаси эканлигидан бахтли-ман. Қизларим отаси орзу қилган-дай бири шифокор, бири ўқитув-чи бўлмоқчи.

Сизлардан бир умр миннат-дорман.

Гулчирай».

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рункига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қила-ётган фуқаролар ўзлари билан паспортлари нусхаси ҳамда яшаш жойи-дан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шу-нингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. **МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарил-майди, ёзма жавоб берилмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 16:00.
E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ
Қабулхона: (тел, ва факс) 233-28-20
Мухбирлар: 233-04-35, 234-25-46
MANZILIMIZ:
Тошкент — 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй
Мўлжал: «Олой»
бозори ёнида
Web-site: oilavajamiyat.uz
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11. 01. 07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 632. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ. Адади — 9640
Навбатчи — Шаҳноза РОФИЕВА
Саҳифаловчилар — Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ
Мусахҳиҳ — Саидғани САЙДАЛИМОВ
ISSN 2010-7609 2 3 4 5

«ИНФАРММАДАД»

Саломатлик марказига марҳамат!

Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларида малакали шифокорлар (УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапиялар) фаолият олиб борадилар.

КўПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОН-ЧИНИ ТУХҒА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТ-ЛИК МАРКАЗИ СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДО-НИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!

Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомиладор-лик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қат-наб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.

Эндигина дунёга келган чақалоқ эса мунтазам равишда болалар невропатолог, педиатр, пси-холог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўри-гида бўлади.

Ҳурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳа-сида оғриқ бўлса, тунда ҳоҳатда тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий ожизлик, бепуштлиқ, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопа-толог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида бар-ча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.

Балоғат ёшидаги қизларда ҳайз келганда куч-ли оғриқ бўлиши, бепуштлиқ, сабабсиз қон кет-тиши, тухумдон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босими ошиши, тер-лаш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокрино-лог ёрдамида даволанади.

MANZILIMIZ: Тошкент шаҳри, «Фағур Фулом» метро бекати.
МўЛЖАЛ: Цирк томонга 150 метр юрилади.
Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02
Барча хизматлар лицензияланган.

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази қуйидаги ўқув курсларга ўқишга таклиф этади.

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчи-лар — 6 ой.
 - Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
 - Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
 - Ҳамширалар — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
 - Тиббий массаж — 2 ой амалиёт билан. Нухталли — 1 ой.
 - Торт ва пишириқлар амалиёти билан — 2 ой.
 - Пишириқлар олий курси — 1 ой.
 - Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой, амалиёти билан.
 - Аёллар сартарошлиғи — 3 ой, амалиёт билан.
 - Сартарошлик — 3 ой, амалиёти билан.
 - Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
 - Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
 - Парда ва чойшаблар — 1 ой амалиёт билан.
 - Сартарошлик — 2-3 ой ўғил болалар учун. Салонда
 - Каштачилик — 3 ой машинада вишивка.
 - Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
 - Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
 - Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
 - Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
 - Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
 - Арабча ва миллий ракс — 3 ой.
- Машгулотлар амалиёти билан ■ Ётоқхона мавжуд
- Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади**
Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод дехон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.